

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШДА ҮҚИТУВЧИННИНГ ЎРНИ.

Термиз давлат Педагика институти ўқитувчси:
Артикова Каромат Камолджоновна

Аннотация: Тарбияни мукаммалаширишдаги тарихий анъалар таҳлили тарбия жараёнини бошқаришининг самарали натижаларга эришишини ишлаб чиқиши учун кўп нарса беради. Бу эса бир томондан, ҳато ва камчиликларни қайтаришдан қутқаради, иккинчидан эса, белгиланган ўқув-тарбиявий вазифаларнинг қимматли анъалари ва самарали усулларидан янги шароитда фойдаланишига имкон беради.

Калит сўзлар: Тарбия, педагогика, тарбия жараёни, таълим жараёни, педагогик жараён, ўқув жараёни, маънавий, ватанпарвар, экологик, иктисолий, хукукий, жисмоний, интеллектуал

Тарбия жараёning ривожланиши «Педагогикада» шахснинг инсонпарвар сифатларини шакллантиришга йўналтирилган, маълум мантиқ ва тартибда амалга ошириладиган ҳарақатлар тупламини тасвиrlагандан, бу тупламини тарбия жараёни деб аташади. Амалда «тарбия жараёни» ва «тарбиявий жараён»-синоним тушунчалардир. Аммо «тарбиявий жараён» термини кулланганда маълум мақсадни амалга оширишга йўналтирилган маълум ҳарақатлар тартибини ажратиш кўзда тутилади.

Шунингдек, «педагогик жараён» ва «тарбиявий жараён» тушунчалари ўртасидаги муносабатни аниклаш мухим.

Педагогик фаолиятдаги тарбиянинг мақсадлари устунлигига қарамай, «тарбия» ва «таълим» тушунчалари нисбатан ўз мустақиллигига эга. Шунинг учун педагогик жараёнда иккита ташкил килувчи асос фаркланади: тарбия ва ўқув жараёни. Бу жараёнлар чамбарчас боғлангандир.

«Педагогик жараён», «тарбиявий жараён» ва «ўқув жараёни» тушунчалари муносабати куйидаги жадвалда тасвиrlантган. Тарбиявий жараён бир бутун ривожланувчи тизимдан иборат бўлиб, унинг тизимини ташкил этувчи фактори тарбия мақсадидир, у педагог ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабатда амалга ошади. Тарбия жараёнини ташкил этиш чегараланмаган ва ижтимоий мухитнинг барча таъсирларини хисобга олади.

Тарбиявий жараённинг ҳарақатлантирувчи кучи бўлиб, талабага турли таъсир билан унинг щахсини ривожланиши ўртасидаги қарама-қаршиликлар ечими хисобланади. Бу қарама-қаршиликлар ривожланиш манбаи бўлиб қолади, агар педагог илгари кўрадиган тарбия мақсади яқин ривожланиш зонасида бўлса ва идрок қилинадиганнинг аҳамиятини баҳолашга мос келса. Аксинча бундай қарама-қаршилик тизимининг оптималь ривожланишига ёрдам бермайди, агар бола ижобий таъсирни қабул қилишга тайёр бўлмаса. Шу туфайли тарбияланувчиларни яхшилаб

ўрганиш, яқин, ўрта ва узоқ ривожланиш истиқболини лойихалаштириш, уларни конкрет тарбиявий вазифага айлантириш лозим.

Тарбиявий жараён қатнашчиларининг барча ҳарақатлари болага бўладиган турлича таъсирларни тартибга солишдан иборатдир. Тарбия натижасида ҳар бир талабанинг тарбияланиш даражаси ўзгаради ва жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабат ҳам ўзгаради. Бу режада тарбиявий жараён ва тарбия тизими ўртасидаги муносабатни кўриб чиқиши мухимдир. Бу тушунчалар мохиятини фарклашга ҳарақат қиласиз ва уларни ўзаро солиширамиз.

Тарбия алоҳида ўзаро боғланган жараёнлардан иборатдир: тарбиявий таъсир, шахснинг уларни қабул қилиши ва бунда вужудга келадиган ўзини тарбиялаш. Субъект ва объектларнинг бошқариладиган, ривожланадиган ўзаро таъсирлари фақат тарбия жараёнинг мухим томонини акс эттиради, уни шартли равишда ташки томон деб атashади. Шунингдек, текширилувчиларнинг айтишича, унинг таркибиға фақат ташки таъсир килувчи ва тарбияланувчининг шахсий реакцияси эмас, инсоннинг узиш, сифатлари ҳам киради.

Тарбия жараёнида ташки таъсирлар, объектларга таъсир ва ички акс этиш бирлиги намоён бўлади; тесқари таъсир вужудга келади; объект ўзига мустақил таъсир қилади; ва бу таъсир ўзини тарбиялашда намоён бўлади.

“Тарбиявий жараён” динамик системасининг таркибиға тарбиянинг кенг маънодаги объект ва субъектлари киради, турлича алокалар, бу таъсирлар руй берадиган шароитлар киради.

Тарбия жараёнининг асосий компонентлари бўлиб, мақсадли, мазмунли операцион-фаолиятли, аналитик-натижаси ҳисобланади.

Мақсадли компонент педагог ва талabalарнинг тарбиянинг мақсадини белгилашларни назарда тутади. Бу мақсаднинг белгиланиши бир томондан, боланинг қизиқишлигини тулик ҳисобга олиш асосида, иккинчидан, жамият таълим масканларига куядиган талаб ва ривожланиш анъаналарини ҳисобга олган холда мумкин бўлади.

Мазмунли компонент бир бутунликдан амалга ошириладиган талаба тарбиясининг асосий йўналишларини ўз ичига олади.

Тарбия мазмуни унинг мақсад ва вазифаларини акс эттиради, инсоннинг ижтисоий муносабат, турли соҳаларидаги ролларини амалга оширишга тайёргарлигини таъминлайди. У шахснинг ривожланишига йўналтирилган ва инсоннинг одамлар, жамият, давлат, бутун дунё билан ўзаро муносабатини асосини ташкил килувчи сифатларни назарда тутади.

Операцион фаолиятли компонент педагог амалга оширадиган педагогик воситалар комплексини белгилайди ва қўйилган мақсад асосида тарбия вазифаларини амалга ошириш буйича ишларни назарда тутади. Шундан келиб чиқиб, мақсад, вазифа, мазмун, метод, восита ва шакл, эришилган самара жараён компонетлари ҳисобланади. Бу ҳар қандай фаолиятнинг умумий ҳарактеристиқасидир, у тулик тарбиявий жараёнга ҳам тегишлидир.

Аналитик-натижали компонент тарбия жараёни самарадорлигини қўзатишини назарда тутади, у талабалар тарбияисдаги ўзгаришларни ҳарактерлайди. Талабаларнинг тарбияланганлиги - бу унинг ривожланиш талабларига мослик даражасидир. Тарбияланганлик ҳақида ташки белгилар (бала ахлоки) ва бевосита белгиларга (ўз-ўзини баҳолаш, тест ва х.) караб мухокама қилиш мумкин.

Аналитик-натижали компонент камчилик ва ютуқларнинг асосий муҳим сабаларини белгилайди, бу эса тарбия жараёнини мукаммалаштиришга имкон беради. Синф жамоаси тарбиявий ишидаги камчиликлар сабабини билиш ўқув фаоллиги тугри белгилашга, синф раҳбарининг предмет талабалари, ота-оналар билан ишини яхшилашга имкон беради.

Тарбияни мукаммалаштиришдаги тарихий анъналар таҳлили тарбия жараёнини бошқаришнинг самарали натижаларга эришишни ишлаб чиқиш учун кўп нарса беради. Бу эса бир томондан, ҳато ва камчиликларни қайтаришдан қутқаради, иккинчидан эса, белгиланган ўқув-тарбиявий вазифаларнинг қимматли анъналари ва самарали усулларидан янги шароитда фойдаланишга имкон беради.

Тарбиявий жараён турлари турли асослар буйича классификацияланади. Кўп вактлар тарбия тўрининг белгилашда асос доминант максаб бўлган. Маънавий, ватанпарвар, экологик, иктисолий, хукукий, жисмоний, интеллектуал ва ҳақозоларга ажратилган.

Классификациялашда асос бўлиб тарбияланувчилар сони ҳам хизмат қиласди. Тарбияда индивидуал ва фронтал таъсир ажратилади. Кўпинча бу таъсирлар педагогик жараёнда уйгунлашади.

Индивидуал тарбия конкрет тарбияланувчига йўналтирилган таъсирини ташкил этишни кўзда тутади. Бундай таъсири асосан ота-оналар, педагоглар, синф раҳбарлари ёткозона тарбиячалари амалага оширади.

Фронтал тарбия ўз мақсадини тарбияланувчилар гуруҳига нисбатан амалга оширади ва гурухли фаолият ташкил этишни кўзда тутади.

Авторитар тарбия - педагог сўзи у ва тарбияланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатда ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинади. Тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабатлар қанчалик қаттиқ бўлса, шунга тарбияланувчининг мустақиллиги ва жавобгарлиги кам бўлади. “Педагог ҳар доим ҳақ, талаба ҳар нарсага жавобгар эмас” деган формула бор. Тарбиянинг бундай турида тарбияланувчиларнинг ҳарақатларини бошқариш раҳбарлик қиласди, улар устидан кўпинча зўравонлик бўлади, бу эса турли шаклларда намоён бўлади. Тарбиячи фаолиятида умумий ғамхўрлик, беҳато, ҳамма нарсани билиш доираси устунлик қиласди.

Демократик стилда тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўқиши, дам олиш, қизиқиша хоказога тегишли вазифаларнинг таксимланиши билан белгиланади. Бола ўзини бошқиришининг ривожланиши демократик стилнинг асосидир. Педагог тарбияланувчилар билан келишиб қарор қабул қиласди, уларга ўз фикрини айтиш имконини бералади, ўzlари мустақил танлашади. Кўпинча бундай педагог тарбияланувчига илтимос, тавсия, маслаҳат билан мурожаат қиласди, камрок буйрук

беради. Ишни систематик назорат қила туриб, ижобий ютуқ ва самара, тарбияланувчи шахсининг ўсиши ва унинг ҳатоларини аниклади, қушимча куч талаб қиласидиган ўз устида ишлаш ва маҳсус машғулотларга дикқатини қаратади. Педагог талабчан, ҳаққоний, ҳар калай шундай бўлишига ҳарақат қиласиди, айникса ўз тарбияланувчисининг фикр ва хулкини баҳолашда. Одамлар ва болалар билан мулокотда ҳар доим мулоийм ва хайрихох.

Амалиётда демократик йўналиш қуидаги метафорада амалага ошади: “Тенглар ичида тенг” ва “Тенглар ичида биринчи”.

Биринчи вариант, “Тенглар ичида тенг” – тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабатлар стили бўлиб, бунда педагог асосантарбияланувчининг фаолиятини йўналтириб турди, талабанинг шахсий фикр ва қизиқишлигини ҳисобга олади, ҳамма савол ва муаммоларни қатталардек у билан келишиб ҳал қиласиди.

Ўз хохишига ташланган тарбияда ҳамма нарсага рухсат берилган, талабаларга ошикча “мехрибонлик” билан ҳарактерланади. Бунда педагог ўзининг болаларга бўлган муҳаббатини кўради. Бундай педагог болаларнинг ҳар қандай қизиқишини қондиради, улар хулкидаги мумкин бўлган оқибатлар ҳақида уйламайди, шахс ривожланиш истиқболини қўймайди. Бундай педагог фаолияти ва хулкидаги асосий принцип-боланинг ҳар қандай ҳарақатига қаршилик қиласлиқ, унинг ҳар қандай хоҳиш ва истагини қондириш, бунда у нафақат ўзи ва хатто болага ҳам масалан: соғлигига, руҳан ва ақлан ривожланишига зарар келтиради.

Амалиётда юқорида келтирилган стилларнинг ҳеч қайсиси соф холда юзага келмайди. Маълумки, ҳар доим ҳам демократик стилдан фойдаланиш самара бермайди. Шунинг учун тарбиялаш амалиётини таҳлил қилганда аралаш стиллардан фойдаланилади: авторитар-демократик, либерал-демократик ва ҳоказо.

Хулоса: Мактаб ёки мактабдан ташқари таълим масканлари педагоглар, ижтимоий педагоглар тарбия масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган фаолиятни амалга оширилади. Бу фаолият атроф-олам хусусиятларини ҳисобга олган талабага йўналтирилган таъсир ўз ичига олади. Биз педагогнинг талабага ўз касбий вазифаларини амалга ошириш чегарасидаги талабага таъсири ҳақида гапирсак, унда бундай фаолиятини тарбиявий иш деб атаемиз.

Тарбиявий иш ўз ичига талаба шахсини оптимал ривожлантирадиган ташкилий ва педагогик вазифаларни, қўйилган вазифаларга мос тарбиянинг шакл ва методларини олади. Бу иш педагог ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишни кўзда тутади, шунингдек болага муҳим таъсир кўрсатувчи ижтимоий муносабатини ҳам бошқаришни кўзда тутади. Тарбиявий ишда уч гуруҳдаги вазифалар ажратилади:

Биринчи гуруҳ педагогнинг талабага бевосита таъсири билан боғланган:

□ унинг ривожланиш, атроф-муҳити, қизиқишлиари индивидуал хусусиятларини ўрганиш;

□ тарбиявий таъсирни дастурлаштириш;

□ талаба билан индивидуал ишлашнинг комплекс метод ва шаклларини амалга ошириш;

□ тарбиявий таъсир натижасининг таҳлили;

Иккинчи гуруҳ тарбияловчи муҳит ташкил қилиш билан боғланган вазифалар:

□ жамоани бирлаштириш;

□ ижобий эмоционал муҳитни шакллантириш;

□ талабаларни турли ижтимоий фаолият турларига жалб этиш;

□ бола ўзини бошқаришини ривожлантириш;

□ педагогик жамоа билан ўзаро таъсир;

□ оммавий коммуникация воситалари таъсирини коррекциялаш;

□ бошка таълим масканлари билан ўзаро таъсир;

Педагог ўтказадиган тарбиявий ишдаги асосий ўринни ташкилий фаолият эгаллади. Бунда у барча мос келувчи вазифалар комплексини амалга оширади: мақсадни кўзлаш; режалаштириш, координациялаш, самарадорлик таҳлили ва ҳоказо.

Тарбиявий иш тарбиявий жараённинг асосий компонентидир. Педагоглар бу ишни қандай ўтказишига кўра, долзарб ҳолатда унинг қанчалик адекватлигига кўра мактабнинг ютуғига боғлик бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т. 2020й.

2. С.Норбоева, Б.Ходжаев . Педагогика (Олий ўқув юртлари учун қўлланма). Т. 2023 й.

3. Kamoldjonovna, A. K., & Pirimkulovna, P. G. (2022). PROFESSIONAL DEDICATION AND PROFESSIONAL COMPETENCE AS A SUBJECT OF STUDY OF PSYCHOLOGY. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(02), 766-772.

4. Jovliyevna, A. D., & Kamoldjonovna, A. K. (2021). IMPROVING THE MANAGEMENT MECHANISMS OF THE EDUCATIONAL PROCESS IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION ON THE BASIS OF A CREATIVE APPROACH. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(12), 382-385.

5. K.K Artikova Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3 (11), 165-172, 2022 MECHANISMS OF CREATION OF DIDACTIC SUPPLY OF TEACHING IN HIGHER EDUCATION SYSTEM ON THE BASIS OF CREATIVE APPROACH.

6. Артиқова, К.К. (2023). КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ. IQODKOR O'QITUVCHI, 3(30), 35-41.

7. Артиқова, К. К., & Артиқова, М. К. (2023). КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКДА КРЕАТИВ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Interpretation and researches, 2(1).

8. Kamoldjonovna, A. K. (2023). MODERN MODELS OF EDUCATIONAL PROCESS ORGANIZATION IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS. World Bulletin of Social Sciences, 29, 105-107.